



O'zbekiston Respublikasi Xorazm viloyati 221200 Yangibozor shaharchasi  
Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти 221200 Янгибозор шаҳарчаси Тел: 41-94-255

2020 йил "22" \_\_\_\_\_  
№ 1139

Янгибозор шаҳарчаси

Янгибозор тумани Бўзқалъа қишлоғида ташкил қилинган кичик саноат зонаси (КСЗ) худудидан "NEW BRICKS PRODUCTION" МЧЖга "Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш" (газабетон, бетон плита, бурчатка, черепица, томга ётиладиган материаллар) қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида 2020 йил 27 февраль куни тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, "NEW BRICKS PRODUCTION" МЧЖ раҳбари Аллаяров Мансурбек Қадировичнинг туман ҳокими номига, Янгибозор тумани Бўзқалъа қишлоғида ташкил этилган кичик саноат зонаси (КСЗ) худудидан "Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш" (газабетон, бетон плита, бурчатка, черепица, томга ётиладиган материаллар) қурилиши учун ер майдони ажратиб беришини сўраб ёзган ёзишмасини, Янгибозор тумани Бўзқалъа қишлоғида ташкил этилган кичик саноат зонаси (КСЗ)нинг батафсил режалаштириш лойиҳаси (БРЛ)ни эътиборга олиб, Вилоят қурилиш бош бошқармасининг, Вилоят экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг, туман Фавқулодда Вазиятлар бўлимининг ва туман СЭОМнинг ушбу объект қурилиши юзасидан ижобий хулосаларини, қишлоқ хўжалигига онд бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича тузилган далолатномани ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Янгибозор тумани Бўзқалъа қишлоғида ташкил этилган кичик саноат зонаси (КСЗ) худудидан "NEW BRICKS PRODUCTION" МЧЖга "Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш" (газабетон, бетон плита, бурчатка, черепица, томга ётиладиган материаллар) қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисидаги далолатномаси тасдиқлансин.
2. Янгибозор тумани Бўзқалъа қишлоғида ташкил этилган кичик саноат зонаси (КСЗ) худудидан "NEW BRICKS PRODUCTION" МЧЖга "Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш" (газабетон, бетон плита, бурчатка, черепица, томга ётиладиган материаллар) қурилиши учун қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ерлари тоифасига кирмайдиган ердан 1,0 га. (10000,0 кв.м) ер майдони ажратилсин.
3. Буюртмачи "NEW BRICKS PRODUCTION" МЧЖда куйидагиларни:  
- архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаштириш учун мурожаат этиш;

- тегишли тартибда қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлатиш ва тасдиқлатиш;  
- ер участкасига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсларга бегоналаштирмаслик, ер участкасида қурилиб фойдаланишга қабул қилинган объект фаолият турини ўзгартирмаслик;  
- "Ер кодекси"нинг 36-моддаси 10-бандига асосан ажратилган ер майдонини 2 (икки) йил муддат ичида ўзлаштирилмаса ушбу қарор бекор қилиниши қайд қилинсин.

4. Туман қурилиш бўлими (О.Давлетов)га ушбу қарорга асосан белгиланган тартибда ажратилаётган 1,0 га. (10000,0 кв.м) ер майдонини бош лойиҳа асосида жойида (натурада) белгилаб бериш ҳамда қурилишини шахарсозлик норма қоидалари асосида назорат қилиш топширилсин.
5. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (в/б Р.Рахимов)га ушбу ажратилган ер майдонини ҳисобга олиш ва ер кадастр китобига тегишли ўзгартиришлар киритиш, туман солиқ инспекцияси (А.Ўразбаев)га белгиланган тартибда солиққа тортиш вазифалари топширилсин.
6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари в.в/б Н.Мадаминов зиммасига юклатилсин.

Янгибозор тумани ҳокими



*Ў. Курбанов*

Ў.Курбанов